

**Ўзбекистон Республикаси  
Соғлиқни сақлаш вазирлиги**

***5510900 – Тиббий-биология иши***  
**бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари**

**Тошкент**

## СЎЗ БОШИ

### 1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Республика тиббий таълимни ривожлантириш маркази;
- Тошкент тиббиёт академияси.

### 2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг 201\_ йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ - сонли буйруғи.

### 3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги.

Мазкур малака талабни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилиб Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА

Т/р	бет
1. <b>5510900- Тиббий-биология иши</b> бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи .....	4
1.1. Қўлланиш соҳаси .....	4
1.2. <b>5510900- Тиббий-биология иши</b> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи .....	4
2. <b>5510900- Тиббий-биология иши</b> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар .....	6
2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар .....	6
2.2. <b>5510900- Тиббий-биология иши</b> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари .....	7
3. <b>5510900- Тиббий-биология иши</b> бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар .....	8
3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар .....	8
3.2. <b>5510900- Тиббий -биология иши</b> бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми .....	12

## 1. 5510900- Тиббий - биология иши бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи

**5510900- Тиббий - биология иши** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг ўқув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машгулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий хужжат(лар) берилади.

Ўқув режа ва фан дастурининг меъёрий муддати ва мос малака(даража)си 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

### Ўқув режа ва фан дастурининг муддати ва битирувчиларнинг малака(даража)си

Ўқув режа ва фан дастурининг номи	Малака (даража)	Ўқув режа ва фан дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати
Бакалавриатнинг ўқув режа ва фан дастурлари	Бакалавр	4 йил

#### 1.1. Қўлланиш соҳаси

**1.1.1.** Олий таълимнинг ушбу малака талаби **5510900- Тиббий - биология иши** таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

**1.1.2.** Олий таълим муассасаси мазкур бакалавриат таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаб асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

**1.1.3.** Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

– ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиги, деканлар ва кафедра мудирлари);

– битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

– олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

– таълим йўналишини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

#### 1.2. 5510900 - Тиббий - биология иши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи

**1.2.1. 5510900 - Тиббий - биология иши** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

**5510900 - Тиббий - биология иши** бакалавриат таълим йўналиши – фан ва соғлиқни сақлаш соҳаларига тегишли йўналиш бўлиб, таълим жараёнида, илмий-тадқиқот ва соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида аҳоли ўртасида ўткир ва сурункали касалликларни эрта ташхислаш, соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш, касалликларни ташхислашнинг замонавий усулларидан

кенг фойдаланган ҳолда беморларнинг тиббий муаммолари бўйича асосий вазифаларни бажариш бўйича комплекс масалаларни ечишни ўз ичига олади.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

### **1.2.2. 5510900- Тиббий - биология иши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

– соғлиқни сақлаш тизимидаги жараёнлар, соғлиқни сақлаш тизимида тегишли дастурлар, стандартлар, илмий мақолалар, тезислар, илмий-тадқиқот ишлари, меъёрий ҳужжатлар, маълумотномалар, ҳисоботлар;

– таълим тизимидаги ўқув жараёни, таълим соҳасига таълуқли стандартлар, дастурлар, ҳужжатлар, ўқувчи ва талабалар, ўқув жараёнида қўлланиладиган усул ва воситалар;

– тиббиёт асбоб-ускуналари, дори воситалари, муолажалар, ресурслар, воситалар, усул ва услублар мажмуаси;

– жамият, аҳоли, оила, беморлар, тиббий ёрдамга муҳтож қариялар, катталар ва болалар, аёллар ва эркаклар;

– илмий-тадқиқот жараёни, лаборатория ва анжомлар, ташхислаш усуллари, инновацион технологиялар ва лойиҳалар;

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин

### **5510900 - Тиббий-биология иши таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти қуйидагиларни қамраб олади:**

– *соғлиқни сақлашни тизимида тиббий фаолиятни ташкил этишда иштроқ этиш;*

– *аҳоли орасида кенг тарқалган ўткир ва сурункали касалликлар бўйича барча турдаги ташхислаш чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш;*

– *ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш ва мутахассисликка доир тиббий фанларни талаб даражасида ўқитиш;*

– *тиббиёт соҳасида долзарб бўлган касалликлар ҳамда муоммолар бўйича замонавий маълумот, билимларгаларга эга бўлиш ва фаолияти давомида улар тўғрисидаги маълумотлар билан мунтазам танишиб бориш;*

– *аҳоли орасида кенг тарқалган касалликлар бўйича замонавий ташхислаш стандартларини мақсадга йўналтирилган ҳолда амалиётда қўллаш;*

– *аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишда унинг учун маъсул бўлган ташкилотлар билан ҳамкорликда мавжуд ресурслардан унумли фойдаланиш;*

– *соғлиқни сақлаш тизимининг меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни самарали бошқаришда иштроқ этиш;*

– *тиббиёт соҳасида долзарб бўлган муоммолар бўйича илмий-тадқиқот фаолиятини талаб даражасида олиб боришда иштроқ этиш.*

### **1.2.3. 5510900 - Тиббий - биология иши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари**

- *Илмий-педагогик фаолият*
- *Илмий-тадқиқот фаолияти*
- *Тиббий ташхислаш фаолияти*
- *Тиббий-ижтимоий фаолият*
- *Ташкилий бошқарув фаолияти*

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият турларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

Таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

#### **1.2.4. Таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий мослашув имкониятлари**

Таълим йўналиши бўйича бакалавр ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида махсус фанларни ўқитиши мумкин.

#### **1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари**

**5510900 - Тиббий-биология иши** таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин:

*5A140101 – Биология (йўналишлар бўйича)*

*5A140102 – Микробиология ва вирусология*

*5A140104 – Биотехнология*

*5A140105 – Биофизика*

*5A320502– Тиббий-биологик аппаратлар, тизим ва мажмуалар*

*5A510118 – Морфология (анатомия ва гистология)*

*5A510118 – Морфология (нормал ва патологик физиология)*

*5A510113-Таъхиснинг инструментал ва функционал усуллари (тиббий биохимия)*

*5A510113-Таъхиснинг инструментал ва функционал усуллари (клиник лаборатор диагностика)*

*5A510113-Таъхиснинг инструментал ва функционал усуллари (бактериология ва вирусология)*

*5A510126- Фармакология*

*5A510302-Атроф муҳит ва инсон саломатлиги*

*5A510115-Соғлиқни сақлашни бошқариш ва жамоат соғлиғини сақлаш*

*Янги йўналишлар:*

*- Молекуляр генетика*

*- Биологик тиббий технологиялар*

*- Тиббий биология*

*- Тиббий биофизика*

*- Тиббий кибернетика*

*- Молекуляр фармакология.*

*Шунингдек, ўрнатилган тартибда мустақил изланувчи сифатида илмий - тадқиқот олиб бориш мумкин.*

## **2. 5510900 - Тиббий-биология иши таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар**

### **2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар:**

• дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;

• Ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол гоёсига асосланган фаол ҳаётини нуқтаи назарга эга бўлиши;

• табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;

• инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга ва атроф муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ҳамда маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;

• ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усуллари эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;

- тегишли бакалавриат йўналиши бўйича рақоботбардош умумқасбий тайёргарликка эга бўлиши;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тасаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш ўқув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

### **Бакалавр:**

- таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;
- тегишли бакалавриат йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;
- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

## **2.2. 5510900 - Тиббий-биология иши таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари**

### **Илмий - педагогик фаолиятда:**

- ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида мутахассисликка оид тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари (биология, микробиология, нормал ва патологик физиология, патологик анатомия, биологик кимё, фармакология, анатомия, гистология) бўйича назарий ва амалий машгулотларни ўтказиш;
- ўқув фанларини ўқитиш услубиётини эгаллаш;
- замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ўқув машгулотларини ўтказиш;
- ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-услубий ҳужжатларни тузиш, тайёрлаш ва расмийлаштириш;
- ўқитилаётган фан бўйича машгулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш;
- мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги услублар, воситалар ва шакллар тизимида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

### **Илмий -тадқиқот фаолиятида:**

- илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказлар, олий таълим муассасаларида тиббий биология ишига оид мавзуларда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш;
- интернет тармогида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;
- тиббий биология иши, тиббиётга оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганиш;
- касбий фаолият объекти йўналишига мос янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий-тадқиқот лойиҳаларини ўрганиш;
- тажрибавий тадқиқотлар ўтказиши, уларнинг натижаларига ишлов бериши, баҳолаш ва бошқа касбий фаолият турларини бажариш;
- илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаши, соҳага оид адабиётларни экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;
- тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этишда қатнашиши;
- илмий семинарлар, илмий-амалий анжуманларда иштирок этиш;
- маълумотларни жамлаш, қайта тайёрлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш, илмий-амалий мавзувий журналларга мақолаларни тайёрлаш ва чоп этиш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

### **Тиббий-профилактика фаолиятида:**

- аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш;
- соғлиқни сақлаш тизимида бирламчи, иккиламчи ва учламчи профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқишда иштрок этиш;
- аҳоли орасида кенг тарқалган касалликларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда иштрок этиш;
- тиббий-профилактика фаолиятида илгор, замонавий технологияларни жорий эта олиш фойдаланиш **қобилиятларига эга бўлиши лозим.**

**Ташкилий - бошқарув фаолиятида:**

- соғлиқни сақлаш тизими даволаш-профилактика муассасаларида ишни ташкиллаштириш ва бошқаришда иштрок этиш;
- ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш;
- тиббиёт соҳасидаги бошқарувни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тенденцияларига мос тарзда такомиллаштириш;
- аҳоли соғлиги ҳолатининг асосий кўрсаткичларини режалаштириш, таҳлил қилиш ва ҳисоботлар тайёрлаш **қобилиятларига эга бўлиши лозим.**

**Тиббий-ижтимоий фаолиятида:**

- ижтимоий соҳа ҳимоя органлари ва раҳм-шафқат хизматлари билан ҳамкорликда тиббий-ижтимоий хизмат турларини ташкиллаштириш ва хизмат кўрсатиш;
- аҳоли ўртасида жисмоний, тиббий-ижтимоий ва психологик нуфузни тиклаш ва ривожлантириш **қобилиятларига эга бўлиши лозим.**

### **3. 5510900 - Тиббий-биология иши бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар**

**5510900 - Тиббий-биология иши** бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инobatга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабаларнинг қуйидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:

- гуманитар ва табиий-илмий;
- умумкасбий фанлар;
- ихтисослик фанлари;
- қўшимча фанлар.

Касб фаолияти кўникмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Ўқув режалар мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши шарт.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

#### **3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар**

##### **Гуманитар ва табиий илмий фанлар блоки:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режаларидаги гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар блокига қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади.

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими билан узвийлик ҳамда узлуксизликни инobatга олган ҳолда ахборот тушунчалари, ахборот хоссалари, тиббий ахборот турлари, тиббий ахборот тизимлари, ва таснифи, тиббий асбобий-компютер тизимлари, тиббий ташхислаш,



мониторинг ўтказиш учун тизимлар, бошқарув тизимлари, тиббий ахборот технологияларининг ривожланиш йўллари, телемедицина, ахборот технологияларининг тиббиётдаги ўрни;

математик тушунчалар ва тасаввурлар умумийлиги, математик усуллар ва моделлар, информацион тизим, математик статистиканинг асосий тушунчалари, нуқтали баҳолаш, баҳолашни таққослаш, самарали баҳолаш, интервалли баҳолаш, тақсимлаш, гипотезаларни текшириш, мезонлар, статистик боғлиқликни текшириш, кўп ўлчамли меъёрий тақсимот, самарали баҳоларни тузиш;

биология ва унинг асосий тушунчалари, тиббий биология, текшириш усуллари, тирик организм хоссалари ва даражалари, хужайраларни ўрганиш, моддалар алмашинуви ва энергия алмашинуви, организмнинг индивидуал ривожланиши, насл ва ўзгарувчанлик, генетик материал, генетик ахборотнинг ўтказилиш қонуниятлари, хромосомаларнинг генетик ташкилланиши, генлар экспрессияси, инсон меъёрий ва патологик наслий мойиллиги, эволюция назарияси, организм ва атроф-муҳит, одам ва биосфера, генетик инженерия, биологиянинг ижтимоий, этик муоммолари;

физика қонунлари, динамика, энергия, тебраниш ва тўлқинлар, молекуляр –кинетик назария, термодинамика, электр майдони, магнит майдони, оптик тизим, фотоэффект, радиоактив нурланиш, атом тузилиши ва б., физикавий, кимёвий ва биологик жараёнларнинг ўзаро таъсирлашуви, замонавий тиббий билим олишни ўзига хослиги ва ривожланишнинг асосий босқичлари, биофизика фанининг моҳияти, вазифалари, организм аъзо ва тўқималарининг фаолияти асосида ётувчи умумий физикавий ва биофизикавий қонуниятлари, физикавий қонуниятларнинг тирик организмдаги жараёнларга татбиқ этиш;

биотехнологиялар, биология ва инженеринг, инновациялар, электроника элементлари, микроэлектроника, ИТ технологиялар, инженерлик ишланмалар, электрон коммуникациялар, биотиббий инженерлик технологиялар, диализ ва сув билан даволаш ускуналари, лойиҳаларни бошқариш, ўлчов асбоблари, микроконтроллерлар, имиджли ташхислаш ускуналари, телеметрия, компютер-интеграциялашган усуллар;

электроника ва тиббий электроника тушунчалари, тиббий электроника ёрдамида ҳал қилинувчи вазифалар гуруҳи, тиббий электрроника аппаратуралари синфлари, назорат-ташхислаш аппаратуралари, терапевтик аппаратуралар, кибернетик электрон ускуналар, тиббий электрон ускуналарнинг қисмлари, кучайтиргичлар, генераторлар, датчиклар, тасвир берувчи ва рўйхатга олувчи асбоблар;

тиббий терминология, макротерминосистема, морфологик келиб чиқиш ва жараёнлар, субсистемалар, атамалар, номенклатура, тасниф ва тенденциялар, мажмуалар фармацевтик терминлар, тиббиётда лотин тили терминологиясининг моҳияти ва аҳамияти, терминологиялар бўйича клиник атамалар;

### **Умумқасбий фанлар блоки:**

математик ва табиий-илмий фанлар билан махсус фанлар ўртасида илмий ва назарий боғлиқликни таъминлаши;

таълим йўналиши ихтисослик фанларни ўрганиш ва чуқур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумқасбий билимларни, амалий кўникма ва уқувларни шакллантириши;

физиология тушунчаси, аъзолар ва тизимлар физиологиясининг мақсад ва вазифаси, унинг мутахассис фаолиятидаги аҳамияти, замонавий тиббий микробиология, вирусология ва иммунология фани, унинг мақсад ва вазифалари, одам ҳаёт фаолияти жараёнида физиологик функцияларнинг бошқарилиши ва асосий қонуниятлари;

тиббий кимё асослари ва соҳалари, физиологик фаол моддалар, химиявий тузилмалар ва физиологик фаоллик билан ўзаро боғлиқлик, биохимик ахборот, фармацевтик моддаларни кимёвий тузилиши, органик модалар кимеси, ривожланиш босқичлари, усуллари, поликонденсация, синтетик ва табиий материаллар, юқори молекуляр бирикмалар, полимерлар синтези, полимерлар турлари, текшириш усуллари;

биохимия асослари, усуллари, асосий кимёвий элементлар, биомолекулалар, органик кимё, хужайра биологияси, молекуляр биология билан боғлиқлиги, ген инженерияси, биотехнологиялар, геномика ва функционал геномика ва қонуниятлар, генетик ахборот, норегуляр биополимерлар, биоинформатика билан узвийлик, протеомика, ривожланиш босқичлари;

анатомиянинг вазифалари, организмнинг ўсиши, шаклланиши, ривожланишининг асосий қонуниятларининг моҳияти, уларнинг ташқи муҳит билан муносабатини таъминлаётган тизимлар ҳамда уларнинг ёшга нисбатан ўзгариши, анатомик тузилиш ва тиббиётда клиник анатомиянинг аҳамияти;

биологик тизимлар моделлари, турлари, аҳамияти, ривожланиш босқичлари, тизимли ва математик биология билан боғлиқлиги, самарали алгоритмлар, компютерли моделлаш, сунъий ёки вертуал эволюция, атроф - муҳит билан боғлиқлик ва заамонавий усуллар;

биофизика асослари, механик тебраниш ва тўлқинлар, ультратовуш ва эходоплерография, гидродинамика ва гемодинамика асослари, термодинамика, биологик мембраналар, электр потенциал, электрографиянинг физик асослари, ЭКГ, электрон тиббий ускуналар, тиббий асбобларнинг физик асослари, кўриш биофизикаси, рентген нурлари ва унинг қўлланиши, радиоактивлик, ионланиш, нурланиш, люминесценция, оптик квантли генераторлар ва уларнинг тиббиётда қўлланилиши, ЭПР, ЯМР, иссиқлик ажралиши ва бошқа қонуниятлар, жараёнларнинг тиббиётдаги аҳамияти;

гистология, эмбриология, цитология фанининг назарий ва илмий асосларига таянган ҳолда ҳужайра, тўқималарнинг турлари, умумий тузилиши ва вазифалари, аъзоларнинг тараққиёт манбалари, шаклланиш муддатлари, умумий тузилиш асослари, вазифалари ва ёшга кўра бўладиган ўзгаришлари, одам эмбриологияси босқичлари, уларнинг хусусиятлари, ҳақидаги назарий ҳамда илмий тасаввурларни шакллантириши;

микробиология ва паразитология фанининг вазифалари ва ривожланиш босқичлари, микроорганизмлар тузилиши, бактериялар, вируслар ва паразитларларнинг таснифи, тузилиши, хоссалари, аниқлаш усуллари;

фармакология фанининг асослари, мазмуни, амалий тиббиётдаги ўрни ва аҳамияти, дори воситаларининг таъсир механизмлари ва қўлланиши, қўллаб бўлмайдиган ҳолатлари, ноҳўш таъсирлари;

молекуляр фармакология фанининг асослари, дори воситаларининг молекуляр даражадаги таъсир механизмлари, дори воситаларининг ўзаро таъсирлашуви, дори воситаларининг фармакокинетик кўрсаткичлари, дори воситаларини текшириш усуллари, дориларни комплекс қўллангандаги самарадорлигини аниқлаш ва таҳлил қила олиш;

соғлиқни сақлаш тизимида суд-тиббий экспертиза фаолиятининг ташкилий, процессуал жиҳатлари, қонунчилик асослари, суд-тиббий экспертизага молик ҳолатлар бўйича назарий билимларга эга бўлиш ва мукамаллаштиришни таъминлаши;

патологияни ўрганишда одам танасининг нормал тузилиши, ҳужайра тузилиши асослари, шунингдек турли жараёнларнинг биохимик ва физиологик кечиши, морфологик ўзгаришлар, турли касалликларда ички аъзолардаги ўзгаришларнинг морфофункционал моҳиятлари патологик физиологиянинг асослари, қонуниятлари, патологик жараёнлар ва ижтимоий-экологик омилларнинг аҳамияти, касалликлар ривожланишининг асослари бўйича билим ва кўникмаларни шакллантириши;

цитологик ташхис асослари, мақсад ва сабаблари, организм ҳужайралари ҳолатини аниқлаш ва баҳолаш, физиологик жараёнлар ва уларнинг ўзгариши, цитологик ташхис турлари, ўтказиш усуллари, натижаларни баҳолаш ва тавсиялар бериш;

суд тиббиёти асослари, текшириш усул ва услублари, эксперт баҳолаш, фактлар ва уларни асослаш, хулоса бериш, объектлар. Жараёнлар ва ҳолалар тушунчалари, тиббий-биологик масалалар, жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқаришнинг аҳамияти, тиббий-санитария ёрдамни тўғри ташкил этиш асослари, инсонни инсонга, жамиятга, ташқи муҳитга бўлган муносабатини тартибга солувчи этик ва ҳуқуқий меъёрлар, жамият саломатлигини шакллантирувчи асосий қонуниятлар ва омиллар, ижтимоий шароитлар, турмуш тарзи, ташқи муҳит омилари, аҳоли саломатлини сақлаш бўйича маҳаллий бошқарув органлари ва мутахассиснинг асосий вазифалари, мажбурият ва ҳуқуқлари;

тиббий ҳуқуқ тушунчаси, тиббий сугурта, тиббий ёрдам кўрсатиш жараёнида бўладиган ҳолатлар ва муносабатлар, тиббиёт ходими ва бемор муносабатлари, тиббиёт муассасаларининг иш фаолияти ва ҳуқуқий муносабатлар, лицензия ва сертификатлар, тиббий ассоциациялар, касаба

уюшмалар, назорат органлари, истеъмолчилар ҳуқуқини муҳофаза қилувчи ташкилотлар ва антимонопол комитет ва б. иш фаолиятлари ва вазифалари;

биоэтика ва деонтология, ахлоқ-одоб тушунчалари, турлари, меъёрлари, мутахассис фаолиятидаги муоммолар ва уларни ҳал қилиш усуллари, ҳуқуқий бошқарув босқичлари; “шифокор ва бемор” тушунчалари, асосий ўрганиш объекти бўлган биоэтика, бемор ва шифокор ўртасидаги муносабат, шифокор деонтологияси, шахслар аро мулоқат асослари ва моделлари бўйича тўлиқ билим ва кўникмаларни шакллантириши;

ички касалликлар пропедевтикасининг тиббиёт соҳасидаги аҳамияти, беморларни сўраб-суриштириш, касаллик ва ҳаёт тарихи тушунчалари, объектив кўрикдан ўтказиш тамойиллари, касалликларнинг асосий клиник симптом ва синдромларини аниқлаш, лаборатор ва асбоб - ускунавий текшириш усуллари натижалари тахлили, қиёсий ташхислаш, дастлабки ва якуний ташхис қўйиш асослари, тиббий ҳужжатларни тўлдириш тамойиллари, ички касалликларнинг тавсифи, этиологияси, патогенези, таснифи, клиник кечиши, асоратлари, замонавий ташхислаш ва даволаш усуллари, реабилитация ва профилактика чора-тадбирлари, халқ тиббиёти, шифокор назорати, даволовчи жисмоний тарбия ва физиотерапия бўйича назарий ва амалий билимларни шакллантириши;

фтизиатрия асослари ва муоммолари, сил бўйича эпидемиологик вазият ва силга қарши дори восталарининг қўлланиши, сил касаллигининг олдини олиш чора-тадбирларини амалга ошириш, эпидемияга қарши режалар тузиш ва аҳолини ахборот билан таъминлаш, эрта ташхислаш усуллари қўллаш;

урологик касалликлар, таснифи, тарқалиши, кечиши, эрта ташхислаш усуллари ва даволаш асослари; турли ёшга, жинсга ва ижтимоий-профессиял гуруҳларга мансуб шахсларда урологик касалликларнинг ўзига хос кечиши, урологик касалликларни самарали даволаш, реабилитация ва профилактика тадбирларини амалга ошириш;

кенг тарқалган қон касалликларининг ва нур касаллигининг асосий клиник ва гематологик мезонларини аниқлаш ва даволаш чораларини кўриш, эрта ва замонавий ташхислаш усуллари;

асаб касалликларининг ўзига хос кечиши, неврологик беморларда топик, нозологик, қиёсий ва синдромологик ташхис қўйиш, невростатус ва руҳий статусни баҳолаш тамойиллари, замонавий ташхислаш усуллари, наслий касалликларнинг келиб чиқишида генетик омилларнинг ўрни, касалликларнинг тарқалиши ва олдини олиш усуллари, организмнинг асосий анатомик структураларини рентгенограмма, ангиограмма, компьютер, магнит-резонанс томограмма, сонограмма ва сцинтиграммаларда аниқлаш тамойиллари бўйича назарий ва амалий билимларни талаб даражасида шакллантириши

онкологик касалликларнинг назарий асослари, тарқалиши, клиник кечиши ва замонавий ташхислаш усуллари, даволаш тамойиллари; болалар онкологиясининг ривожланиши, ўсма ва ўсма олди касалликларнинг тарқалиши, кечиш хусусиятлари, ўз вақтида аниқлаш тамойиллари, беморларни тўғри олиб бориш, парвариш қилиш ва руҳий ёндошувга аҳамият бериш, даволаш усуллари тўғри танлаш бўйича назарий ва амалий билимларни ривожлантириши;

педиатрияда ташхислаш, турли ёшдаги болаларнинг жисмоний ва психомотор ривожланиш меъёрлари, болаларни ёши ва соғлигига боғлиқ овқатлантириш тамойиллари, соғлом авлодни тарбиялаш, шакллантириш ва ривожлантириш муаммолари, профилактик эмлаш тақвими, болаларда учрайдиган асосий касалликларнинг сабаблари, уларнинг келиб чиқиш механизми, тарқалиши ва авж олишига ижтимоий, наслий, иқлим ва экологик омилларнинг таъсири, болаларда учрайдиган касалликларни ташхислаш усуллари ва даволаш тамойиллари;

жарроҳлик касалликлари, уларнинг таснифи, кечиши ва олиб бориш тамойиллари, лаборатор ва асбоб ускуналар ёрдамида ташхислаш усуллари; беморларни олиб бориш тамойиллари;

эндокринологик касалликларнинг тарқалиши, кечиши ва даволаш асослари, эрта ташхислаш усуллари ва олдини олиш чоралари;

отоларингология, офтальмологиянинг ва стоматологиянинг долзарб муоммолари, тарқалиши ва кечиш хусусиятлари, замонавий ташхислаш усуллари ва мақсадга йўналтирилган даволаш чораларини қўллаш;

тиббий радиология тушунча ва асослари, тиббиётда нурланишнинг қўлланилиши ва биологик хоссалари, тиббий информатика элементлари, нур ташхислаш усуллари ва воситалари,

жароҳатланиш ва касалликларда нур ташхислаш, нур терапияси тамойиллари;

тиббий генетика тушунчаси ва бошқа фанлар билан боғлиқлиги, молекуляр генетика, ПЦР, канцерогенез;

таълим йўналишига мувофиқ касб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истикболлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиши ҳамда эгалланган билим ва кўникмаларни амалиётда қўллай олишига замин ярата олиши лозим.

### **Ихтисослик фанлар блоки:**

Клиник лаборатория ташхиси – асбоб-ускунавий текшириш усуллари, турлари, объектлари, усулларнинг сезувчанлиги ва спецификлиги, ташхислаш усулларининг хавф даражалари, замонавий ташхислаш усулларининг умумий шарҳи ва уларнинг ташхислашдаги аҳамияти, скрининг тестлар; ўтказишга кўрсатма ва қарши кўрсатмалар, ўтказиш шароитлари, таҳлил ва хулосалар; аниқлик ва ишонччилик даражаси; (клиник ва биохимик таҳлиллар, ультратовуш ташхислаш, рентгенологик усуллар, эндоскопик, компютер томография, магнит-резонанс томография, радиоизотоп сканирлаш ва б. )

Тиббий биокимёда организм тўқима ва аъзоларидаги кечадиган биокимёвий жараёнларнинг молекуляр механизмларини, уларнинг функционал бузилишларни келтириб чиқарувчи механизмларини, патологик организмда кечадиган ўзгаришларни, турли хил назологияларда организмнинг кимёвий таркиби, биологик суюқликларнинг таркибий қисмлари ва уларни ўзгаришлари асосида каслликларнинг патогенезини молекуляр механизмларини билиш;

Тадқиқот ишларини ташкиллаштириш ва режалаштириш бўйича экспериментал тиббиётда замонавий лаборатор – асбоб-ускунавий текшириш усуллари, асосий мақсад ва вазифалар, турлари, объектлари, усулларнинг сезувчанлиги ва спецификлиги, ўтказиш шароитлари, таҳлил ва хулосалар; аниқлик ва ишонччилик даражаси; тажриба ўтказиш шароитлари ва объектлари, бошқичлари, тажриба ўтказиш давомида олинган натижаларни қайд қилиш, таҳлил қилиш ва прогноз бериш, ўз ўзини назорат қилиш тамойиллари, хулоса бериш, олинган тадқиқот натижаларини тиббий статистика усулида таҳлил қилиш ва прогнозлаш асослари, статистика тушунчалари, мақсад ва вазифалари, биометрия, соғлом аҳоли статистикаси ва соғлиқни сақлаш тизими статистикаси, клиник статистика, аҳоли гуруҳлари, рўйхатга олиш тамойиллари, касалланиш тушунчаси, ногирондик, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлилик, ўлим кўрсаткичлари, профилактик кўриклар, тиббий ҳужжатларни юритиш, илмий усуллар ёрдамида прогнозлаш, прогнозни ишлаб чиқиш, прогнозлаш тамойиллари, аниқчилик даражаси, турлари (муддатига кўра, масштабига кўра, маъсуллик бўйича – авторлик), прогноз бериш усуллари (статистик усуллар, эксперт баҳолаш, моделлаш, интуитив), инновацион технологиялардан фойдаланиш;

таълим йўналиши негизидаги муайян магистратура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга онгли муносабатда бўлишига кўмаклашиши лозим.

### **Қўшимча фанлар блоки**

таълим йўналиши талабаларнинг умумқасбий ва ихтисослик фанлари бўйича қўшимча равишда чуқур билим олишга бўлган эҳтиёжини қондириши;

ҳарбий тиббий тайёргарлик, фуқаро муҳофазаси ва фуқаро муҳофазасининг тиббиёт хизмати бўйича амалга оширилиши лозим бўлган чораларни амалда қўллашни таъминлаши;

табиий, техноген ва экологик фавқулодда вазиятда жабрланган аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш ва ўчоқни бартараф этиш учун ФМТХ куч ва воситаларини, зарурий мол-мулк билан таъминотини билиши ва фойдаланиши учун замин яратиши;

таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва меҳнат бозори конъюктураси тез ўзгараётган шароитда бакалаврият таълим йўналишлари бўйича ўқув режалар ва фан дастурларининг сафарбарлиги ва мослашувчан бўлишини таъминланиши;

касбий фаолият стратегияси ва тактикасини тўғри танлай олиш, касбий нуқтаи назарнинг барқарорлигини таъминлаши лозим.

### **Танлов фанлари:**

*Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.*

### **3.2. 5510900 - Тиббий-биология иши бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми**

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машгулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 36 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқишнинг норматив муддати беш йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланади:

назарий ва амалий таълим -	63 - 70%;
аттестация -	8 - 10 %;
таътил -	12 - 16 %;
малакавий амалиёт -	6 - 12 %.

Назарий ва амалий таълим ҳажми “Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот” билим соҳасига мувофиқ фанлар блоклари бўйича қуйидагича тақсимланади:

гуманитар ва табиий-илмий фанлар -	15-25%
умумқасбий фанлар -	45-55%
ихтисослик фанлар -	15-25%
қўшимча фанлар -	3-7%.

Ўқув йилида таътил даврининг умумий ҳажми 6 - 10 ҳафта қилиб белгиланади.

## Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

---


### **Таянч сўзлар:**

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, бакалаврнинг асосий таълим дастури (бакалавр дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув цикли, тиббий билим, тиббий йўналишлар, соғлиқни сақлаш тизими, клиника, лаборатория, амалий кўникмалар, касаллик, даволаш муассасалари, профилактика, даволаш усуллари, диагностика, этиология, патогенез, морфология, гистология, рентгенология, профилактика, терапия.

**Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий тиббиёт ташкилотлари ҳамда кадрлар истеъмолчилари**

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги  
Республика тиббий таълимни ривожлантириш маркази



Директор  **Н.Р. Янгиева**


201\_ йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

Тошкент тиббиёт академияси

Ректор  **Л.Н.Туйчиев**

201\_ йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

**КЕЛИШИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги  
Вазирнинг биринчи ўринбосари  **Б.Қ. Юсупалиев**

201\_ йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги  
Фан ва тиббий таълим Бош бошқармаси

Бошқарма бошлиғи  **Ў.С. Исмаилов**

201\_ йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_



Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги  
Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимни  
Ривожлантириш маркази

Директор  **Б.Х. Рахимов**

201\_ йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

М.Ў.





Тошкент тиббиёт академияси ва кадрлар истеъмолчилари ўртасида бакалаврият таълим йўналишлари бўйича ишлаб чиқилган Малака талаблари

## КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ

Тошкент ш.

«\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 й.

Биз, қуйида имзо чекувчилар - Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг Фан ва тиббий таълим Бош бошқармаси бошлиғи Ў.С.Исмаилов ва ТТА ўқув ишлари бўйича проректори Ш.А.Боймуродовнинг Тошкент тиббиёт академияси профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрланган қуйидаги таълим йўналишларининг Малака талаблари мазмуни билан танишиб, келишув ҳақида ушбу далолатномани туздик:

- 5510100- даволаш иши
- 5111000 - касб таълими (5510100 - Даволаш иши)
- 5510300 - тиббий профилактика иши
- 5510800 - харбий тиббиёт
- 5510900 – тиббий биология иши

таълим йўналишларининг Малака талаблари ва ўқув режалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Вазирлар Махкамасининг “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сон қарорига мос равишда ишлаб чиқилган ва бунда кадрлар истеъмолчилари томонидан қўйилган талаблар инобатга олинган, фанлар таркиби, уларнинг мазмуни, маъруза, амалий, лаборатория машғулотларига ажратилган юкламалар ҳажми, фанларни семестрларда ўқитилиши кетма-кетлиги ҳамда малакавий амалиётларни ўтказиш муддатлари тўғри шакллантирилган.

5510100 - даволаш иши, 5111000 - касб таълими (5510100 - даволаш иши), 5510300 - тиббий профилактика иши, 5510700 - олий хамширалик иши, 5510800 - харбий тиббиёт, 5510900 – тиббий биология иши йўналишлари бўйича ишлаб чиқилган Малака талаблари ва ўқув режаларини ўрнатилган тартибда тасдиққа тавсия этилиши мақсадга мувофиқ.

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни  
Сақлаш вазирлиги фан ва тиббий таълим  
Бош бошқармаси бошлиғи**



**Исмаилов Ў.С.**

**ТТА ўқув ишлари бўйича проректори**

**Боймуродов Ш.А.**



**ТИББИЁТ ОЛИЙ ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИ РЕКТОРЛАР РАЁСАТИ**  
**ЙИГИЛИШИ БАЁННОМАСИДАН**  
**КЎЧИРМА**

Тошкент ш.

« 20 » 08

2018 й.

**Раис:** Даминов Б.Т. – тиббиёт олий таълим муассасалари ректорлар раёсати раиси  
**Котиб:** Н.В. Агзамова

**ҚАТНАШДИЛАР:**

Туйчиев Л.Н. – ТТА ректори, Шамсиев А.М. – СамДавТИ ректори, Ризаев Ж.А. – ТДСИ ректори, Мадазимов М.М.- АндДавТИ ректори, Иноятов А.Ш. - БухДавТИ ректори, Рузибаев Р.Ю. – ТТА Урганч филиали директори, Атаниязова О.А. – ТПТИ Нукус филиали директори, Султонов Ғ.Н. - ТТА Фарғона филиали директори, Дияров Н.А. -ТТА Термиз филиали директори, Боймурадов Ш.А. - ТТА ўқув ишлари проректори, Хаитов Қ.Н. - ТПТИ ўқув ишлари проректори, Юсупалиева Г.А. – ЎзР ССВ Фан ва ўқув юртлари Бош бошқармаси бошлиғи муовини, Янгиева Н.Р. – тиббий таълимни ривожлантириш маркази директори, ўқув-услубий бўлим бошлиқлари, етакчи профессор-ўқитувчилар

**КУН ТАРТИБИ:**

1. 2018/2019 ўқув йилига тиббиёт соҳаси бўйича ишлаб чиқилган Давлат таълим стандарти (ДТС) нинг муҳокамаси;
2. 2018/2019 ўқув йилига - 5111000 - касб таълими (5510100 - даволаш иши), 5111000 – касб таълими (5510500-фармация), 5310900-метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати мененжменти (дори воситалари), 5320500 – биотехнология (фармацевтик биотехнология), 5510100 - даволаш иши, 5510200 - педиатрия иши, 5510300 - тиббий профилактика иши, 5510400 - стоматология, 5510500 - фармация, 5510600-саноат фармацияси, 5510700 - олий хамширалик иши, 5510900 – тиббий биологик иш, 5511000 – болалар стоматологияси бакавриатура таълим йўналишлари учун янги ишлаб чиқилган ўқув режалари ва малака талаблари муҳокамаси;
3. 2018/2019 ўқув йилига янги ишлаб чиқилган ўқув режалар асосида 1 курс фанларининг Фан дастурларини муҳокамаси.

**ЭШИТИЛДИ:**

1. 2018/2019 ўқув йилига тиббиёт соҳаси бўйича ишлаб чиқилган Давлат таълим стандарти (ДТС) нинг муҳокамаси бўйича сўзга Тиббий таълимни ривожлантириш маркази директори Н.Р. Янгиева сўзга чиқиб, улар томонидан таянч тиббиёт ОТМларининг ҳамкорликда ишлаб чиққан ДТСнинг таркибий қисмига киритилган ўзгартиришлар тўғрисида маълумот берилди.

## ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Янги 2018-2019 ўқув йилига ишлаб чиқилган Давлат таълим стандарти (ДТС), 5111000 - касб таълими (5510100 - даволаш иши), 5111000 – касб таълими (5510500-фармация), 5310900-метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (дори воситалари), 5320500 – биотехнология (фармацевтик биотехнология), 5510100 - даволаш иши, 5510200 - педиатрия иши, 5510300 - тиббий профилактика иши, 5510400 - стоматология, 5510500 - фармация, 5510600-саноат фармацияси, 5510700 - олий хамширалик иши, 5510900 – тиббий биологик иш, 5511000 – болалар стоматологияси бакавриатура таълим йўналишлари ўқув режалари ва малака талаблари тасдиқлансин ҳамда мазкур ўқув режалар асосида 1 курс фанларининг фан дастурлари **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги “Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2956-сонли, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 сентябрдаги 769-сон қарорининг 2-илоvasида белгиланган “Олий тиббий таълимнинг («Соғлиқни сақлаш» таълим соҳаси) бакалаврият таълим йўналишлари ўқув режаларининг тузилмаси”даги ва Олий таълим муассасаларининг янги 2018/2019 ўқув йилига тайёрлаш бўйича ишлаб чиқилган "Ҳаракат дастури", Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон Қароридаги меъёрларига қатъий амал қилинган холда ишлаб чиқилганлиги белгилаб қўйилсин.**
2. Ишлаб чиқилган ўқув режалар ва малака талабларида турдош ОТМларининг таклиф ва эътирозлари инобатга олинганлиги эътироф этилсин.
3. Ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режаларини ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун вазирлик хузуридаги тиббиёт олий таълим муассасалариаро мувофиқлаштирувчи ўқув-услубий кенгашга тақдим этилсин.

**Тиббиёт ОТМлари Ректорлар  
раёсати раиси**

**Котиб**



**Даминов Б.Т.**

**Агзамова Н.В.**



**ТИББИЁТ ОЛИЙ ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИАРО  
МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ ЎҚУВ-УСЛУБИЙ КЕНГАШ БАЁННОМАСИДАН  
КЎЧИРМА**

Тошкент ш.

« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

2017 й.

**Раис:** Исмаилов Ў.С. – тиббиёт олий таълими муассасалариаро Мувофиқлаштирувчи ўқув-услубий кенгаш раиси

**Котиба:** Убайдуллаева С.А.

**ҚАТНАШДИЛАР:**

Туйчиев Л.Н. – ТГА ректори, Шамсиев А.М. – СамДавТИ ректори, Ризаев Ж.А. – ТДСИ ректори, Мадазимов М.М.- АндДавТИ ректори, Иноятов А.Ш. - БухДавТИ ректори, Рузибаев Р.Ю. – ТГА Урганч филиали директори, Атаниязова О.А. – ТПТИ Нукус филиали директори, Султонов Ғ.Н. - ТГА Фарғона филиали директори, Дияров Н.А. -ТГА Термиз филиали директори, Боймурадов Ш.А. - ТГА ўқув ишлари проректори, Хаитов Қ.Н. - ТПТИ ўқув ишлари проректори, Юсупалиева Г.А. – ЎзР ССВ Фан ва ўқув юртлари Бош бошқармаси бошлиғи муовини, Янгиева Н.Р. – тиббий таълимни ривожлантириш маркази директори, ўқув-услубий бўлим бошлиқлари, етакчи профессор-ўқитувчилар

**КУН ТАРТИБИ:**

1. 2018/2019 ўқув йилига тиббиёт соҳаси бўйича ишлаб чиқилган Давлат таълим стандарти (ДТС) нинг муҳокамаси;
2. 2018/2019 ўқув йилига - 5111000 - касб таълими (5510100 - даволаш иши), 5111000 – касб таълими (5510500-фармация), 5310900-метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати мененжменти (дори воситалари), 5320500 – биотехнология (фармацевтик биотехнология), 5510100 - даволаш иши, 5510200 - педиатрия иши, 5510300 - тиббий профилактика иши, 5510400 - стоматология, 5510500 - фармация, 5510600-саноат фармацияси, 5510700 - олий хамширалик иши, 5510900 – тиббий биологик иш, 5511000 – болалар стоматологияси бакавриатура таълим йўналишлари учун янги ишлаб чиқилган ўқув режалари ва малака талабларининг муҳокамаси;
3. 2018/2019 ўқув йилига янги ишлаб чиқилган ўқув режалар асосида 1 курс фанларининг Фан дастурларини муҳокамаси.

**ЭШИТИЛДИ:**

1. 2018/2019 ўқув йилига тиббиёт соҳаси бўйича ишлаб чиқилган Давлат таълим стандарти (ДТС)нинг муҳокамаси бўйича Тиббий таълимни ривожлантириш маркази директори Н.Р. Янгиева сўзга чиқиб, улар томонидан таянч тиббиёт ОТМларининг ҳамкорликда ишлаб чиқилган ДТСнинг таркибига киритилган ўзгартиришлар тўғрисида маълумот берилди.

ОТМларининг ишлаб чиққан 1 курс фанларининг фан дастурлари тўғрисида маълумотлар берилди.

### ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Янги 2018-2019 ўқув йилига ишлаб чиқилган Давлат таълим стандарти (ДТС), 5111000 - касб таълими (5510100 - даволаш иши), 5111000 – касб таълими (5510500-фармация), 5310900-метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (дори воситалари), 5320500 – биотехнология (фармацевтик биотехнология), 5510100 - даволаш иши, 5510200 - педиатрия иши, 5510300 - тиббий профилактика иши, 5510400 - стоматология, 5510500 - фармация, 5510600-саноат фармацияси, 5510700 - олий хамширалик иши, 5510900 – тиббий биологик иш, 5511000 – болалар стоматологияси бакавриатура таълим йўналишлари ўқув режалари ва малака талаблари тасдиқлансин ҳамда мазкур ўқув режалар асосида 1 курс фанларининг фан дастурлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги “Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2956-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 сентябрдаги 769-сон қарорининг 2-илоvasида белгиланган “Олий тиббий таълимнинг («Соғлиқни сақлаш» таълим соҳаси) бакалаврият таълим йўналишлари ўқув режаларининг тузилмаси”даги ва Олий таълим муассасаларининг янги 2018/2019 ўқув йилига тайёрлаш бўйича ишлаб чиқилган "Ҳаракат дастури", Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон Қароридаги меъёрларига мос равишда ишлаб чиқилганлигини белгилаб қўйилсин.
2. Ишлаб чиқилган ўқув режалар ва малака талабларида турдош ОТМларининг таклиф ва эътирозлари инобатга олинганлиги эътироф этилсин.
3. Ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режаларини ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги олий таълим муассасалариаро мувофиқлаштирувчи ўқув-услубий Кенгашга келишув ва тасдиқ учун тақдим этилсин.

Тиббиёт олий таълими муассасалариаро  
Мувофиқлаштирувчи  
ўқув-услубий Кенгаш раиси

Котиба



Исмаилов Ў.С.

Убайдуллаева С.А.